

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI OЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ RESPUBLIKИ UЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

ҳалқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,
2020 йил 20 май**

УЎК: 658.01:6П2.15.7:338(575.1)

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўтказилган илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омили.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий таҳрири остида.

Таҳрир хайъати: и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермухамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурабаев.

© *Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020*

		фаолиятини такомиллаштириш	
87.	Умарходжаева М.Г., Кахрамонов С.	Основные тенденции совершенствования корпоративного управления в узбекистане	310
88.	Мамадияров З.Т., Мамаражабов Ж.Т.	Рақамли иқтисодиёт шароитида масофавий банк хизматларининг аҳамияти	313
89.	Махмудов Т. О.	Рақамли иқтисодиёт шароитида мода индустриясида бренд бошқаришни аҳамияти	315
90.	Мирзаев С. А.	Рақамли иқтисодиёт ва ИТ тизими	318
91.	Мирзоев Х.Х.	Корхона айланма капиталини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари	320
92.	Набиджонов О.О.	Мажбурий тиббий суғурта турини ўзбекистон республикасида такомиллаштириш	322
93.	Наимов Ш.Ш.	Давлат қарзларининг функциялари	325
94.	Урмонов Н.Т. Наимов Ш.Ш.	Давлат қарзи ва унинг макроиқтисодий барқарорликка таъсири	328
95.	Норов А.Р.	Банк тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни	331
96.	Норчаев А.Н.	Туризмда рақамли инновацион-технологияларни қўллаш йўналишлари	333
97.	Обидов С.М.	Автомобилсозлик корхоналарида инновацион бошқаришни шакллантиришда ходимларни рағбатлантиришнинг аҳамияти	336
98.	Пўлатов М	Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришда рақамли технологияларнинг аҳамияти	340
99.	Розиқов А.Э.	корхона фаолиятини ташкил этишда инновацион бошқарув асосларини тадбиқ этишнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари	343
100.	Розиқов С.Ф., Шоназарова Г.Б.	Маҳсулот сифатини бошқаришда халқаро стандартларнинг ўрни	346
101.	Sottorov Sh.U.	Real sektor tarmoqlarida raqamli iqtisodiyotning roli	350
102.	Махмудов Т. О.	Мамлакатимизда мода индустриясини ривожлантиришда брендинг имкониятларидан фойдаланиш	352
103.	Турсунов Ш.И., Рашидов Ж.Х.	Корхоналарда ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг асосий мотивлари	354
104.	Турсунова З.Р., Йўлдошев Н.Қ.	Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни стратегияси ва тактикаси	357
105.	Usmonov Ch.B.,	Hotel business as a component of the modern	359

*З.Т. Мамадияров, Ph.D, доцент,
Ж.Т. Мамаражабов, магистр,
ТДИУ*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда электрон тижорат банклар ва компанияларнинг бизнес қилиш усулини тубдан ўзгартириб юборди. Баъзи тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 2019 йилда электрон тижорат савдоси чакана савдо операцияларининг деярли 14 фоизини ташкил қилди [1]. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, информацион оқимларнинг тезлик билан ҳаракатланаётган бир шароитда банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тўловларни реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб рақамларни бошқариш шу жумладан рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизмати турларини янада кенгайтириш заруратини юзага келтирди.

Шундан келиб чиқиб, тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни ўзида қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги [2], 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги[3] фармонлари ҳамда 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори[4] қабул қилинди.

Банкларда масофавий банк хизматларини ривожлантириш стратегиясида айна соҳага киритиладиган сармоя ҳажми ва берилаётган эътибор энг аҳамиятли жиҳатлардандир. «FinTech»га (молиявий технологияларга) сармоя киритиш жаҳон миқёсида 2018 йилда 111,8 млрд. АҚШ долларга етганлиги, шундан, АҚШнинг улуши 47,0 фоизини (52,5 млрд. АҚШ доллар) ташкил этган. Бутун дунёда «FinTech» саноати энг замонавий технологиялар билан тараққий топмоқда. Улар ёрдамида молия бозоридаги ечимини топмаган ҳолатларга оддийгина молиявий ечимлар ишлаб чиқилмоқда [5].

2018 йилда Амстердамда «Money2020» лойиҳаси бўйича Европанинг йирик «FinTech»чилари молиявий технология олами доирасидаги мавзуларни муҳокама қилиш учун учрашди. Қуйида учрашувдаги энг муҳим 5 та масалага тўхталиб ўтди:

- Мобиль технологиялар. Сўнгги пайтларда мобиль телефонлардан кўплаб одамлар фойдаланаётганлиги, одамлар учун ажралмас техник восита бўлиб қолганлиги сабабли, молиявий хизматлар ҳам ушбу алоқа воситалар доирасида ташкил этилмоқда. «PwC's 2018 Digital Banking Consumer Survey»

маълумотларига кўра, одамлар ўз смартфонлари ёрдамида банк хизматларидан фойдаланишни афзал кўраётган одамлар сони ортиб бормоқда. Мобил-банкнинг ёрдамида банк ва мижозлари жисмоний алоқасиз, банк биносига бормасдан пул маблағларини бошқариши мумкин.

- Рақамли банклар. Мобил-банкнинг кескин тарзда ривожланиши натижасида филиаллар ва шаҳобчалар очмасдан фаолият кўрсатувчи рақамли банкларнинг кўпайишига олиб келди. Улар айниқса молиявий битимларни амалга оширишда смартфонлардан фойдаланадиган аҳоли қатлами орасида жуда машхурдир. Натижада, истеъмолчиларга пул маблағларини масофадан бошқариш имконини берадиган иловаларни тақдим этади. Шунинг таъсирида банк филиалларига ташрифлар йилдан-йилга пасаймоқда.

- Биометрик технологиялар. Рақамли иқтисодиёт асрида молиявий хизматлари саноати кибер-автоматларга нисбатан заифлашаган. Шунинг учун «FinTech» саноати учун хавфсизлик биринчи ўринда туради. Фирибгарликларнинг олдини олишнинг йўлларида бири биометрик технологияларни қўллашдир. Бироқ биометрик аутентификация қилишнинг ягона афзаллиги хавфсизлик эмас. Ушбу технология орқали иловага киришни осонлаштиради ва тезлаштиради.

- Блокчаин технологияси. Блокчаин технологиясидан фойдаланишда тизимнинг шаффофлиги туфайли кўплаб «FinTech startup»лар қилинмоқда. Блокчаиннинг яна бир афзаллиги, молиявий операцияларни автоматлаштирилган ақлли шартномадир. Шунинг учун молиявий институтлар ушбу технологияга катта эътибор қаратилиши кутилмоқда.

- Сунъий интеллект. Аксарият экспертлар сунъий интеллектни яқин келажакда «FinTech»га катта таъсир ўтказишини таъкидламоқда. «FinTech» санаоти сунъий интеллектдан фойдаланишига бир қатор сабаблар мавжуд. Аввало сунъий интеллект маълумотларни таҳлил қилиш каби вазифаларни автоматлаштирган, бу эса анча вақтни тежашга ёрдам беради. Бундан ташқари технология «chatbots» ва маслаҳатчи робротларни яратиш учун, мижозларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали фирибгарликларни аниқлашда ҳам ишлатилади. Банк ходимлари учун овозли ёрдамчилар ишлаб чиқарилмоқда. «OSBC Bank» яқинда Сингапурда «Google» билан ҳамкорликда биринчи сунъий интеллект ёрдамида овозли банкни ишга тушурди. Бу мижозларга кредитлари миқдорини ҳисоблаш, маблағларини бошқариш, банк янгиликларидан хабардор бўлиш, банкнинг яқин филиаллари ва банкоматлари тўғрисида маълумот олиш каби банк хизматларини суҳбатлашиши орқали амалга оширишга ёрдам беради [6].

Хусусан, “Mastercard”нинг раис ўринбосари Анна Карринс “Овозли технологиялар тижоратда ва “Fintech” саноатида фавқулотда муҳим роль ўйнайди, чунки у дангаса истеъмолчилар тажрибасига айланди” дея таъкидлади. Аммо бундай ҳолатда томонлар орасида ишонч муҳим аҳамият касб этади [7].

Шунингдек, “Juniper Research” томонидан инфографик тадқиқот натижаларига кўра, бутун дунё бўйлаб 2018 йилда рақамли банклардан

фойдаланувчиларнинг 985 млн. (45,7 фоиз) Узоқ шарқ давлатлари ва Хитой давлати истиқомат қилса, 395 млн. (18,3 фоиз) фойдаланувчи Европа давлатларига, 378 млн. (17,5 фоиз) фойдаланувчи Америка қитъаси давлатларига ва 400 млн. (18,5 фоиз) фойдаланувчилар эса бошқа давлатларга тегишли. 2018 йилда жами чакана банк мижозлари 3,86 млрд.ни ташкил этган бўлса, шундан 1,98 млрд.и интернет банкинг орқали банк хизматларини амалга оширса, 2,06 млрд. банк мижози мобил-банкнинг орқали тезкорлик билан банк хизматларини амалга ошириб келмоқда [8].

Бугунги кунда тўлов усуллари миллионлаб одамларга расмий молиявий тизимларга кириш имконини бермоқда. Дарҳақиқат, бу турдаги тўлов тизимларнинг тараққий этиши банкларнинг филиалларини кўпайтиришга зарурат қолдирмайди ва харажатларининг қисқартиришига олиб келади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, электрон тижорат банк фаолияти учун жуда кўп имкониятларни яратди ва электрон тижоратнинг банк тизимидаги аҳамияти ортиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда ривожланган давлатлар банк тизимида кўплаб молиявий хизматларнинг ортиб бориши масофадан банк хизматини кўрсатиш аҳамиятини янада оширди, натижада бутун дунё бўйлаб йирик банклар томонидан банк хизматларининг турли хил вариантлари онлайн режимда тақдим этилмоқда. Бу банкларга ҳам мижозларига ҳам харажатларини, вақтини тежашга ва даромадларни оширишга ёрдам берадиган.

*Т.О. Махмудов, докторант,
НМТИ*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОДА ИНДУСТРИЯСИДА БРЕНД БОШҚАРУВИНИНГ АҲАМИЯТИ

Жаҳон иқтисодиётида ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида компьютерлар, мобил телефонлар ва интернет технологияларининг пайдо бўлиши иқтисодиётнинг саноат тармоқларини тубдан ўзгаришига олиб келди. Натижада, саноат корхоналарининг ходимларни бошқарувида ва савдо фаолиятида ахборот технологияларни ўрни ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси парламентиغا мурожаатномасида “2019 йилда барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишлари якунланганини ҳисобга олиб, яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор Интернет билан таъминлашимиз керак. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ишлаб чиқишни якунлаш лозим.” деб таъкидлаб ўтганлар [1].

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача ижтимоий - иқтисодий ривожланиш Концепцияси ва “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг Концепцияси умумхалқ муҳокамасига тақдим этилди ва батафсил муҳокама қилинмоқди. Унда кўзланган мақсад сифатли ва қиммат бўлмаган интернет ва мобил алоқасини жорий этиш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги рақамли тафовутни